Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ҲАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 101 (7241). | 27 май, 1980 йил | СЕШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ЎҚУВ ВА ФАН МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ—50 ЁШДА

Ўзбекистон жамоатчилиги Ўрта Осиёдаги энг катта олий ўқув юртларидан бири —Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ярим асрлик юбилейини нишонлади. Институтни битириб чиққан мутахассисларни республиканинг ҳар бир колхоз ёки совхозида учратиш мумкин. Улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб, унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашмоқдалар.

Ватан институт коллективининг фаолиятини юксак баҳолади. Қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари учун Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ҳукуматнинг юксак мукофоти — Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирланди.

26 май куни институтнинг мажлислар залида унинг эллик йиллигига ва ҳукуматнинг юксак мукофоти топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг юксак мукофоти топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилади. Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг профессор-ўқитувчиларини, ишчи ва хизматчиларини, студентларини шу олий мактабнинг ярим асрлик юбилейи ва ватанимиз юксак мукофоти билан астойдил муборакбод этди.

Ўлкамизда олий қишлоқ хўжалик таълимининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи,— дейди у,— Ўрта Осиёда 1920 йилда Ленин декретига биноан ташкил этилган биринчи олий ўқув юрти — Тошкент Давлат университети билан чамбарчас боғланган. Университетда ташкил этилган факультетлар кейинчалик мустақил олий ўқув юртларига айланди. Шулардан бири бўлмиш қишлоқ хўжалиги факультети Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг негизи бўлди. Ўша унитилмас санадан буён ўтган вақт ичида институт мамлакатнинг энг катта қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларидан бирига айланди. Ҳозир бу ерда 9 мингдан кўпроқ студент, 52 мамлакатдан келган юзлаб йигит ва қизлар таълим олмоқдалар. Тўққизта факультетда 13 ихтисосдаги кадрлар тайёрланмоқда.

Олти юзга яқин муаллим, шу жумладан 27 профессор ва фан доктори, 210 доцент ва фан кандидати студентлар ўртасида кўп қиррали таълим методика ишини ва илмий тадқиқот фаолиятини олиб бормоқда.

50 йил мобайнида институт қишлоқ хўжалиги учун 22 мингдан зиёд мутахассис, шу жумладан 16 мингга яқин агроном, 1300 ўрмон хўжалиги инженери, 3 мингдан кўпроқ экономист ва икки мингга яқин бухгалтерия ҳисоб-китоби мутахассислари тайёрлаб берди.

Малака ошириш факультетида кейинги ўн тўрт йил мобайнида республикамиз, шунингдек Россия Федерацияси, Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Совет Социалистик Республикалари қишлоқ хўжалигининг саккиз ярим мингга яқин раҳбар ходимлари ва мутахассислари қайта тайёрланди.

Институтни битириб чиққанлар орасида 42 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор. Уни битириб чиққанларнинг кўплари танийли партия ва давлат ходимлари бўлиб етишдилар. Институт талабалари партиянинг аграр сиёсатини амалга оширишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти бошқа бир муҳим вазифани ҳам ҳал этмоқда: социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар учун юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрламоқда. Беш йилдан буён институтда ишлаб келаётган БМТ курсларида ҳозирги ўқув йилида 18 мамлакатдан келган 38 мутахассис иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги статистикасини ўрганмоқда.

Институтнинг ишлаб чиқариш билан алоқаси доимо кенгайиб бормоқда. Хўжалик шартномалари асосидаги тадқиқотлар ҳажми 1964 йилдаги 4 минг сўмликдан 1979 йилда 352 минг сўмликка етди. Институт олимларининг таклифларини жорий этишдан йилига 6 миллион сўм иқтисодий наф олинмоқда.

Ҳозирги шароитда ўқув ва илмий ишнинг бирлигини янада мустаҳкамлаш, республика олий ўқув юртлари ихтиёридаги илмий потенциалдан энг мақбул тарзда фойдаланиш гоят зўр актуаллик касб этмоқда. Бу жиҳатдан олганда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг имкониятлари яхши. Бу ерда тажриба станцияси ва бегона ўтларнинг экологияэкологиясини проблемаларини ўрганувчи ва бегона ўтларга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқувчи илмий тадқиқот лабораторияси, тўртта тармоқ илмий тадқиқот лабораторияси ишлаб турибди.

Мана шуларнинг ҳаммаси институт коллективига қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантиришнинг актуал вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш, КПСС XXV съезди ўртага қўйган йирик илмий-техникавий проблемаларни ишлаб чиқишда актив қатнашиш имконини бермоқда. Институтда бир талай қимматли илмий кашфиётлар қилинди. Ўнинчи беш йиллик бошлангандан бери олтмишта илмий таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилди. Институт олимлари фундаментал тадқиқотларни ривожлантира бориб, уларнинг натижаларидан халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган амалий проблемаларни ҳал қилиш учун тобора муваффақиятли фойдаланмоқдалар. Бу эса, айниқса, қимматли ишдир.

Институт олимлари пахта зараркунандаларига қарши курашнинг яхлит системасини, ток, мевали дарахтлар ва тутни қаламча усулида кўпайтиришнинг янги технологиясини ишлаб чиқдилар. Ўсимликшунослик, сабзавотчилик, чорвачилик, пахта селекцияси ва агротехникаси соҳасидаги тадқиқотлар ҳам актив олиб борилмоқда.

Турмуш олий ўқув юртларининг олимлари олдига тобора юксак талаблар қўймоқда, уларнинг куч-ғайратларини халқ хўжалигига энг кўп самара берадиган проблемаларни комплекс ҳал этишга марказлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Республика партия ташкилотининг 23 май куни бўлиб ўтган актив йиғилиши буни янги куч билан яна бир бор уқтириб ўтди.

Ўтказилаётган тадқиқотларнинг илмий ва амалий қийматини оширишга эришиш, коллективларнинг куч-ғайратларини янги таклифларни ишлаб чиқишга, шунингдек бу таклифларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига кенг миқёсда ва ўз вақтида жорий этишга қаратиш лозимлиги актив йиғилишида қайд этилди. Бунинг учун эса институт олимлари бошқа илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари билан, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари билан янада мустаҳкам ижодий алоқа ўрнатишлари зарур.

Бу йил республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Олимлар — қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг ва аввало Тошкент қишлоқ хўжалик институти ходимлари ўзларининг ҳал қилувчи сўзларини айтишлари лозим. Маҳсулот етиштиришни донмо кўпайтиришни таъминлаш, энг муҳим қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олишга эришиш ҳосилнинг ноқулай иқлим шароитларига боғлиқлигини камайтириш зарур.

Бўлажак мутахассислар тарбиялашни кучайтириш вазифалари таълим самарадорлигини ва сифатини янада ошириш билан чамбарчас боғлиқ равишда ҳал қилиниши керак. Институт талабаларининг билим доираси кенг, чуқур ва мустаҳкам бўлиши, улар ташкилотчилик кўникмаларини, юксак маданиятни, одамлар билан ишлаш маҳоратини ўрганиб олишларига эришиш лозим. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарори олий ўқув юртларининг коллективларини шунга даъват этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати институтнинг моддий-техника базасини янада ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдалар. Ун биринчи беш йилликнинг охиригача 25 миллион сўмлик турли объектлар қурилади. Натижада таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш имкониятлари анча ортади, илмий тадқиқотларнинг миқёсини янада кенгайтириш, унинг самарадорлигини ошириш учун қулай шароитлар яратилади.

Ш. Р. Рашидов СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб эшитгач, гулдурос қарсаклар остида Халқлар дўстлиги орденини институт байроғига тақиб қўяди.

Йиғилишда сўзга чиққан институт ректори Э. Т. Шайхов, кафедра мудири, профессор В. А. Буригин, Г. С. Зайцев номли Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг директори, СССР Давлат мукофотининг лауреати С. И. Мирахмедов, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси М. Убайдуллаева, студент қиз Ф. Аҳмадбоева, С. М. Киров номли ўқув хўжалигининг бригадири У. Тўхтаназаров меҳнатга берилган юксак баҳо учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига астойдил миннатдорчилик изҳор этди ва Ўрта Осиёдаги энг кекса қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларидан бирининг коллективи бу мукофотга жавобан қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, қишлоқ хўжалик фанини ривожлантириш ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ишида тобора кўпроқ муваффақиятларга эришади ҳамда шу тариқа КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олади, деб вазда берди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Т. Н. Осетров, Ю. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат Н. Маҳмудов қатнашдилар.

* * *

Юбилей байрами кунларида институт территориясида В. И. Ленин ҳайкали ва Улуғ Ватан уруши йилларида Ватан озодлиги учун курашда жон берган институт талабалари шарафига қўйилган ёдгорлик очилди.

(ЎзТАГ).

ПИЛЛАЧИЛАР РАПОРТЛАРИ

Ипак қурти парваришини намунали ташкил этган Калинин райони «Кумуш тола» ижодкорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида мўл пилла етиштиришга эришдилар. Улар ҳозирнинг ўзида давлатга пилла топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам бажариб қўйдилар. Қабул пунктларига планда белгиланган 133 тонна ўрнига 139 тонна юқори сифатли хом ашё етказиб берилди. Ҳар қути қурт уруғидан 75 килограммдан пилла олинди.

Бу ютуққа «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Қорасув», «Партия XXI съезди», «Назарбек», Гагарин номли совхозлар, «Москва», «Партия XX съезди», Оржоникидзе номли колхозлар пиллачилари айниқса катта ҳисса қўшдилар.

Райондаги кўпгина хўжаликларнинг пиллачилари «кумуш тола»дан рекорд ҳосил олдилар. Куйбишев номли колхозидан И. Эмирова, «Назарбек» совхозидан М. Канаева, «Партия XX съезди» колхозидан Х. Сулаймонова сингари пиллачилар ҳар қути қурт уруғидан 125—150 килограммдан пилла олишга эришдилар.

Район пиллачилари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Улар бу йил пилла тайёрлаш ҳажмини 160 тоннага етказишга аҳд қилишди.

* * *

Бекобод райони пиллачилари пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари адо этишди. Давлатга 164 тонна пилла топширилди. Ленин номли, «Победа», Навоий номли, Дзержинский номли колхозлар, Мавлонов номли, Ойбек номли, «КПСС XXV съезди» совхозлари пиллачилари районда биринчилар қатори юксак социалистик мажбуриятлари ҳисобига пилла топширишни бошлаб юборишди.

Район бўйича ҳар қути қурт уруғидан ҳозирнинг ўзида 72 килограммдан пилла олинди. «Победа» колхозидан Н. Боймуродова, Мавлонов номли совхозидан М. Жуланова, А. Мавлонов, Навоий номли колхозидан Ў. Мирзаева ва бошқалар эса бу кўрсаткични 130—150 килограммга етказишди.

Бекободликлар давлатга планга қўшимча равишда 20 тонна «кумуш тола» топшириш учун курашмоқдалар.

* * *

Чиноз райони пиллачилари давлатга социалистик мажбуриятлари ҳисобига пилла топширишни бошлашди. Қабул пунктларига пландаги 107 тонна ўрнига 108 тонна қиммат баҳо хом ашё етказиб беришди. Ҳар қути қурт уруғидан 75 килограммдан пилла олинди.

Район пиллачилари ўртасидаги социалистик мусобақада Оҳунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари пиллачилари пешқадамлик қилмоқдалар. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан Ҳ. Бегматова, Киров номли колхозидан М. Сайдалиева ва кўплаб бошқа «кумуш тола» ижодкорлари ҳар қути қурт уруғидан 120—140 килограммдан пилла олишди.

Район пиллачилари бу йил пилла тайёрлаш ҳажмини 140 тоннага етказишга аҳд қилишган.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози (директори Ф. Азимхўжаев, партия ташкилотининг секретари Б. С. Закарян, ишчилар комитетининг раиси Т. Шоисмоилов, комсомол комитетининг секретари К. П. Эсоналиев, пиллачилик агротехниги Э. Тошкентбоев ўртоқлар).

«Партия XXI съезди» совхози (директори Т. Мелибоева, партия ташкилотининг секретари А. Мирзоҳидов, ишчилар комитетининг раиси М. Абдуллаев, комсомол комитетининг секретари Р. Ҳамроқулов, пиллачилик агротехниги Д. Каримов ўртоқлар).

«Қорасув» совхози (директори Р. Альбеков, партия ташкилотининг секретари Т. Мусаев, ишчилар комитетининг раиси С. Нишоков, комсомол комитетининг секретари Х. Бегенов, пиллачилик агротехниги Т. Мирзаев ўртоқлар).

Гагарин номли совхоз (директори Ш. Хўжаев, партия ташкилотининг секретари М. И. Тиллахўжаев, ишчилар комитетининг раиси Т. Исҳоқов, комсомол комитетининг секретари Х. Мавлонова, пиллачилик агротехниги С. Абдураҳмонова ўртоқлар).

ЗАРОҚИМИ

РЕПОРТАЖ

Кечки пайт Янгийўл райони пилла қабул қилиш пункти кумушсимон тусда жилоланиб кетади. Яшикларга солинган пилла электр чироқлари ёғдусида янада товланиб, кўзни қамаштиради. Пиллаларни топшираётган қишлоқ меҳнаткашлари чеҳраси «кумуш тола»ларидек нурафшон. Чунки уларнинг бир ой давомида кунни тунга улаб қилган меҳнатлари самараси баракали бўлапти.

Ҳозиргина Карим ота Иўлдошев пилласини ўлчатиб бўлди. Тарозибон отахоннинг пилласи 65 килограмм тош босганлигини айтганда ҳамқишлоқлари уни қизғин табриклай бошладилар.

— Бу йил 10 грамм ипак қурти парвариш қилган эдим,— дейди Карим ота.— Натижаси мўлжалимдан ҳам зиёда бўлди.

Карим ота Иўлдошев — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер. Шундай бўлса-да, у колхознинг 25 гектарлик «кумуш тола» хирмонига ўз ҳиссасини қўшишга қарор қилиб ҳиммат кўрсатди.

Қўшни тарози олдида «Партия XXI съезди» колхози пиллачиларини ўлчатмоқдалар. Мана, ҳозиргина Ҳанифа Исроилова, 45 килограмм аъло сифатли пилла топширди. Раҳима Асқарованинг «кумуш тола»си эса 40 килограмм тош босди. У ҳали барча сўкичаклардаги пилласини териша улгурмаганлигини, бу ерга яна пилла олиб келишини айтди.

Ипак қуртини парвариш қилишда Калинин номли колхоз «кумуш тола» ижодкорлари жонбозлик кўрсатишди. Шу сабабли уларнинг ипак қуртлари барвақт дастага кирди. Бугун хўжаликнинг 20 нафардан ортиқ аъзоси давлатга пилла топширгани келган. Дастлабки натижалар пиллачиларнинг хирмони баракали бўлишидан далолат бермоқда. Жумладан, Фахриддин Сайфиев бир қути қурт уруғи ҳисобидан 100 килограмм пилла топширди. Қумри Тўлаганова, Каромат Ўтегенова, Карим Полвонов лар 10—15 граммдан қурт уруғи парвариш қилган эдилар. Улар 60—70 килограммдан пилла топшириб, социалистик мажбуриятларини оширибгина адо этишди.

Шу куналарда район бош пиллахонаси лабораториси ходимларининг ҳам кўли-кўлига тегмайди. Бу ерда ҳар бир пиллачининг пилласи нави аниқланади. Бу усул давлатга юқори навли маҳсулот топшириш учун пиллачиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Қабул пунктига келтирилаётган пилла сифатидан мамнунмиз,— дейди лаборатория мудири Карима Қоржовова.—Кўпчилик пиллачиларнинг пиллалари аъло ва биринчи навга қабул қилиб олинмоқда. Лаборатория ходимларимиз пилла сифатини тезда аниқлаб бераётирлар. Айниқса, Шоира Саидова, Ҳалима Рўзимбетова, Дилбар Юсупхўжаева сингари лаборантларимиз чаққонлик кўрсатиб ишлаётирлар.

Хўжаликлардан қабул пунктига келтирилаётган пилла кун сайин, соат сайин кўпайиб бормоқда.

Райондаги «Коммунизм», Н. Ниёзов номли, «Интернационал», Х. Турсунқулов номли колхозлар пиллачилари ҳам давлатга қимматбаҳо хомашё топширишни қизғин олиб боряптилар.

Йиғийўлник «кумуш тола» ижодкорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида Ватанга 140 тонна пилла армуғон этиш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини яқин кунларда шараф билан адо этадилар.

Э. МАДИЕВ,
Т. ТЎҚЛИБОЕВ.



Калинин районидаги «Хасково» совхозининг илғор сут согувчилари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида сигирлар маҳсулдорлигини кескин ошириш учун социалистик мусобақанн авж олдирганлар. Суратда: бу мусобақада пешқадамлик қилаётган Ш. Алимова, Ф. Фахриева ва Ш. Абдушукуровалар. Улар бу йил сигирларидан 4000—4100 килограммдан сут согиб олишга аҳд қилишган.

Е. Ботиров фотоси.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетини ем-хашак жамғариш бўйича районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 16 майгача бўлган якунини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Пискент районига** (район партия комитетининг секретари С. Д. Сайдалиев, район ижроия комитетининг раиси М. Халилов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Аҳмедов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси А. Қодиров, район комсомол комитетининг секретари Ҳ. Акромов ўртоқлар) берилди. Бу районда дағал хашак жамғариш бўйича йиллик топшириқ 33,3 процент, шу жумладан сенаж бостириш 83,6 процент бажарилди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозга** (директори А. Бакиров, партия ташкилоти секретари Б. Бердимуродов, ишчилар комитетининг раиси Г. Ражабов, комсомол комитетининг секретари Б. Тогаев ўртоқлар) берилди. Бу совхозда дағал хашак жамғариш йиллик топшириғи 43 процент бажарилган.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозга** (раиси С. Абдуллаев, партия ташкилотининг секретари Б. Тўрақулов, касаба союз ташкилотининг раиси Гирлен Цой ўртоқлар) берилди. Бу колхозда дағал хашак жамғариш бўйича йиллик топшириқ 55,2 процент, шу жумладан сенаж бостириш 115 процент бажарилган.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Пискент районига, Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозга ва Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ҚОСИЛДОРЛИК—БОШ МЕЗОН

ДЕҲҚОН ҳар йили бирдай — яхши ният, эзгу орзу билан ишга киришади. Об-ҳаво эса — беқарор. Баҳор деҳқонни сийласа, куз қийнаб қўяди. Баъзан аксинча. Лекин тадбиркор деҳқон учун об-ҳаво баҳона эмас. У шароитга қараб иш тутади. Мўлжалдаги ҳосилни олиш чорасини топади.

Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозида ҳам ана шундай ишда ўрнак бўла оладиган уста деҳқонлар меҳнат қилишади.

Колхоз ерларининг деярли ярми паст-баланд қирликлардан иборат. Шунга қарамай, деҳқонлар йилдан-йилга мўл ҳосил олишга эришмоқдалар. Айниқса, деҳқончилик учун ноқулай келган 1979 хўжалик йилида қўлга киритилган ютуқлар салмоқли бўлди. 1600 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Давлатга пландагидан 1807 тонна кўп пахта сотилди. Бу, колхоз тарихида эришилган энг юқори кўрсаткич бўлди.

Колхознинг Мингтош Жўраев бошчилик қилаётган 13-бригадаси аъзоматлари ҳосилдорликни 53,5 центнерга етказиб, райондаги пешқадам коллективлар сафига қўшилдилар. Толли Азизов, Котиб Шохимардонов, Сафар Узоқовлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳам гектаридан 40—45 центнердан ҳосил кўтаришга эришдилар.

Колхозда илғорлар тажрибасини оммалаштириш кенг йўлга қўйилган. Жумладан, Мингтош Жўраев бошлиқ бригада ўтган йили 61 гектар ерда деҳқончилик қилган бўлса, бу йил унинг пахта майдони 72 гектарга етказилди. Ана шу ерларнинг ҳар гектаридан бригада аъзолари якунловчи йилда 60 центнердан ҳосил оламиз, деб мажбурият қабул қилдилар.

— Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор,— дейди бригадир.— Биз экишдан олдин ҳар гектар ерга 10—12 тоннадан маҳаллий ўғит сарфладик. Кузги шудгордан олдин 200 килограммдан аммофос ва бошқа минерал ўғитлар солинган эди. Шунинг натижасида ғўзаларимиз дуркун ривожланмоқда. Ҳозирги кунда иккинчи ишлов ҳам тугалланиб, сув беришга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Областимизнинг илғор пахтакорлари ташаббусига қўшилган бригадамиз аъзолари бу йил 60 центнерлик маррани сўзсиз эгаллайдилар.

Бу бригаданинг иш тажрибалари колхознинг бошқа қолоқ бригадаларига ёйилмоқда. Натижада илғорлар сафи кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги кунда деҳқончиликда тежамкорлик билан иш тутиш, кам харажат қилиб кўпроқ даромад олишга катта аҳамият берилмоқда. Колхозда бунга амал қилинган ҳолда техникадан унумли фойдаланиб, сарф-харажатларни камайтиришга эришилмоқда. Хўжаликда илғори ер чигит экишга қўл меҳнати билан тайёрланган бўлса, энди бу ишлар фақат техника ёрдамида бажарилиб, 25—30 минг сўм пул тежалмоқда. Бундан ташқари бурун ҳар гектар ерга 90—100 килограммдан чигит экилар эди. Кейинги йилларда ҳар гектар ерга 25—30 килограммдан чигит экиш тажриба қилинмоқда. Бу усул яхши самара бериб, яганага ҳам эҳтиёж қолмаяпти.

— Деҳқон манфаатдорлиги бирйнчи ўринга қўйилса, иш юришаверади,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Мурод Иброҳимов.— Биз аввало шунга эътибор бераётирмиз. Далада ишлаётган колхозчи ва механизатор, фермадаги сут соғувчи ва молбоқар, сабзавоткорлар боғбон ўз меҳнати самарасини кўриб турса, зўр иштиёқ билан унумли ва сифатли меҳнат қилади.

Колхоз партия ташкилотининг секретари моддий манфаатдорлик билан ҳосилдорлик ўзаро боғлиқ эканлиги ҳақида гапирди. Дарҳақиқат, деҳқон аввало, ҳосилдорлик ҳақида ўйлайди. Агар у шу мақсадга эришса моддий манфаатдор ҳам бўлади. Буни қуйидаги фактлар ҳам кўрсатиб турибди. Колхозда ўтган йили ҳосилдорлик 1978 йилга нисбатан 6 центнерга ошди. Колхозчиларнинг иш ҳақи 147 сўмни, механизаторники 201 сўмни, сувчиники эса 176 сўмни ташкил этди.

— Ҳозирги кунда ғўзаларимизга иккинчи ишлов беришни тугалламоқдамиз. Лекин, май ойининг бошларида бўлиб ўтган кучли ёғингарчиликлар ниҳолларимизнинг маълум қисмига зарар етказди. Баъзи майдонларимизнинг оласига тезда қайтадан чигит экишга тўғри келди. Деҳқонларимиз табиат инжиқликларини енгиб, баҳорнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланмоқдалар. Бугунги ҳаракат — эртанги баракат»— деган нақл ишимизнинг шиори бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда азамат пахтакорларимиз районимизнинг 80 минг тонналик улкан пахта хирмонига ўзларининг 6600 тонналик дурдоналари билан муносиб ҳисса қўшиш учун барча имкониятларни ишга солган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ф. МУҲИДДИНОВ,
Ҳ. ПАРДАЕВ.

БЎРДОҚИБОҚАРЛАР

Бўстонлиқ райони илғор хўжаликлари чорвадорлари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни тобора кўпайтириб боряптилар. Бу соҳада К. Маркс номли колхоз бўрдоқибоқарлари яхши натижага эришмоқдалар. Улар ҳозирнинг ўзида давлатга гўшт сотиш бўйича ярим йиллик планни анча ошириб бажардилар. Аҳоли дастурхонига 419 центнер гўшт тортиқ қилинди. Бу — ярим йиллик планда белгиланганидан 79 центнер кўпдир.

Фрунзе номли колхоз паррандабоқарлари ҳам самарали меҳнат қилишяпти. Улар ярим йиллик пландаги 92 минг ўринга 102 минг дона тухум сотдилар. Паррандабоқарлар ярим йиллик якунигача давлатга яна 15 минг дона тухум топшириш учун курашмоқдалар.

И. ПЕРМЕТОВ.

БИРЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ЙЎЛИДАН

Ш. РАШИДОВ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Партиямиз, кўп миллатли Совет давлатининг барча халқлари, коммунистлар, барча мамлакатлар меҳнаткашлари яқинда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини нишонлаб, унинг келажакни олдиндан гоят зийраклик билан кўра билишини, унинг даҳоси кўп қиррали эканлигини, Ленинизм ғоявий мероси битмас-туганмас бойлик эканини яна бир карра баҳолаш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳозирги дунёнинг алоҳида эътиборини бу мероснинг одатда миллий масала бўйича таълимот деб характерланадиган қисми ўзига жалб этмоқда. Бу эса тамомила қонунийдир. В. И. Ленининг сўзлари билан айтганда, барча миллатлар пролетариати томонидан тартибга солинадиган, ягона умумжаҳон хўжалигининг бир бутун бўлиб шаклланишининг объектив жараёни (41-том, 182-бет) миллатларнинг ўзаро муносабати, меҳнаткашларнинг миллий ва интернационал манфаатларини тўғри қўшиб олиб бориш масалаларини тобора актуал қилиб қўймоқда.

I.

Миллий масала бўйича ленинча таълимотнинг асосий принциплари РСДПнинг биринчи Программасидаёқ кайд этилган эди. Унда Россия пролетариати билан чор Россияси чекка ўлкаларидаги маълум халқлар манфаатлари умумийлиги ва мақсадлари бирлиги, миллий озодлик курашининг мамлакат ичидаги синфи социалистик революцион ҳаракати билан яқинлашуви ва қўшилиб кетиши зарурлиги ўзининг илмий ифодасини топди.

Партиянинг иккинчи Программасида миллий масала янада мукаммалроқ ишлаб чиқилди, маълумки, бу программа Владимир Ильич томонидан бевосита яратилган эди. Программа турли миллат меҳнаткашларининг социализм қуриш учун биргаликда кураш олиб бориши учун яқинлашуви сиёсатини асосий масала қилиб қўйди. Бу Программада миллатларнинг тўла тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш, илгари маълум халқларнинг меҳнаткашлар оммасига алоҳида эътибор билан муносабатда бўлиш зарурлиги кўрсатилган.

Программада ҳукмрон Коммунистик партия миллий сиёсатининг принциплари биринчи марта илмий асосда баён қилиб берилган эди. Бу принциплар миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва тўла тенг ҳуқуқлилигини; социалистик тараққиёт йўлига ўтган халқларнинг эркин сиёсий, ҳарбий ва хўжалик иттифоқи; қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳар томонлама ҳамкорлик асосида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида бу халқларнинг амалий тенглигини, таъминлаш; интернационал, умуминтифоқ манфаатларини миллий манфаатлар билан қўшиб олиб бориш; социалистик миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва бир-бирига яқинлашувини ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш муҳимки, инсониятнинг хўжалик, сиёсий ва маънавий ҳаётини интернационаллаштириш социализмнинг тарихий базисфаси эканлиги тўғрисидаги ленинча қоида шу принципларнинг назарий-методологик негизидир. В. И. Ленин бу жараён капитализм давридаёқ бошланишини кўрсатиб ўтган эди. Социализм бу жараённи батамом ниҳоясига етказади. (23-том, 355-бет).

Табиийки, халқлар ҳаётининг энг чуқур асосларига тааллуқли бўлган бу диалектик жараён ўз-ўзидан, автоматик тарзда юз бермайди. Бу жараён сиёсат ёрдамида, Коммунистик партиянинг амалий ёрдами билан рўёбга чиқарилади, гоят эҳтиёткорлик, ҳар тарафлама пухта ўйлаб ёндошишни талаб қилади. Ленин илгариги маълум халқлар тарихий тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш зарурлигини, ҳали етилмаган сиёсий, иқтисодий, социал ва идеологик ўзгартишларни амалга оширишга уриниш ишларга йўл қўйиб бўлмаслигини алоҳида кўрсатиб ўтган эди.

Партия ўз йўлбошчисининг васиятларини аниқ бажараётганлигига ўрта Осиёнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг Советлар давридаги тарихи ёркин мисол бўла олади. Чунончи, халқлар тараққиёти конкрет шароитлари ва хусусиятларини қатъий ҳисобга олиш тўғрисидаги ленинча талаб бу ерда Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари вужудга келишини тақозо қилди, бу республикалар аста-секин, тараққий этиш даражасига қараб, социалистик республикаларга айлантирилди.

Коммунистик партия мамлакат халқлари миллий хусусиятларига нисбатан зўр эътибор билан ва оқилона муносабатда бўлди. 1917 йилдаёқ Халқ Комиссарлари Советининг «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» Мурожаатида партия билан совет давлатининг мусулмон халқларга муносабати тўла ва аниқ белгилаб берилди: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва бахузур тузаверингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқлари каби революция ва унинг органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан қимоя қилинади».

Социалистик қурилишнинг дастлабки йилларида баъзи республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам совет ҳуқуқи нормалари билан бир қаторда шароит нормалари ҳам амал қилиб келди, совет судлари билан бир қаторда қози ва бойларнинг судлари совет ҳуқуқ юртлари билан бир қаторда мусулмон мактабларини ва мадрасалари ишлаб турди. Меҳнаткашларнинг онглилиги ва саводхонлиги маълум даражага кўтарилгандан сўнггина эски муассасалар ўз-ўзидан барҳам топди. Кишиларнинг ўзлари совет халқ судларини афзал кўриб, қози ва бойларнинг судларига мурожаат қилмай қўйишди. Шариат ҳуқуқи системасида ҳам худди шундай ҳодиса юз берди.

Маҳаллий органлар қарорларининг мустақиллиги ва ҳокимиятининг тамомила тўлалиги, ўз-ўзидан равшанки, ҳуқуқ, дин, маориф ва бошқа соҳалардаги масалаларгагина тааллуқли эмас эди. Давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг амалда ҳамма соҳалари уларнинг компетенциясида эдики, масалан, 1918 йилда эълон қилинган Туркистон АССР фаолияти ҳам худди шундан далолат беради. Собиқ чор Россияси чекка ўлкаларининг миллий давлатчилиги уларнинг тўла мустақиллиги ва ҳеч нарса билан чекланмаган сиёсий активлиги шароитида шаклланди, деб аниқ айтиш мумкин.

Ленин, партия ўрта Осиё халқларига уларнинг социалистик миллат бўлиб шаклланиши ва мамлакатнинг бошқа халқлари билан жипслашуви учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш тўғрисида тинмай гамхўрлик қилдилар. Миллий-давлат чегараланишининг ўтказилиши ва ўрта Осиёда мустақил совет республикаларининг ташкил топиши тарихий воқеа бўлди. Бу республикаларнинг ҳаммаси ўз иродаларини эркин ифодалаш йўли билан СССР составига кирдилар. Барча халқларимиз манфаатлари йўлида модий ресурсларни бирлаштириш иттифоқдош республикаларнинг тараққиётини ягона халқ хўжалиги плани бўйича йўналтириш ва шу йўл билан хўжалик юритишнинг социалистик системаси афзалликларидан тўла-тўкис фойдаланиш имконияти очилди. Бу эса миллатларнинг амалдаги нотенглигини тугатишда, уларни сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришда, уларнинг тараққиётнинг ҳозирги даражасига кўтарилишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

II.

Буржуазия идеологлари бизнинг мамлакатимизда миллий масалани ҳал этиш тажрибаси ўтказаётган жуда катта таъсирдан хавфсираб, халқлар ўртасига нифоқ ва ишончсизлик солишга уриниб, совет жамиятидаги миллий муносабатларнинг моҳиятини бузиб кўрсатмоқдалар. Уларнинг таъкидларишича, гўё партиямизнинг интернационалистик характери миллий манфаатларга зид бўлиб тушармиш. Шу билан бирга улар мантиқни мутлақо унутиб қўйиб, ўрта Осиёда миллий белгиларга қараб маъмурий-сиёсий чегара ўтказиш ёки бу ерда яшовчи халқларни «ажратиб ташлаш» ва «заифлаштириш» мақсадида амалга оширилган деб исботлашга уринмоқдалар. Халқларнинг бирлашуви гўё уларнинг мустақиллиги, тенг ҳуқуқлилиги, миллий суверенитетига тўғри келмас эмиш.

Чамаси, бу ерда биз буржуа миллатларини мажбурий равишда бирлаштиришни социалистик миллатларнинг ихтиёрий равишда бирлашуви билан аралаштириб юборибди, биринчисининг белгиларини иккинчисига ҳам тааллуқли деб ҳисобларга уринишга дуч келмоқдамиз. Шу тариқа социализм шароитида аллақачонлар ҳал этилган халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, интернационал манфаатларнинг миллий манфаатлар билан бирлиги, миллий нифоқларни бартараф этиш ва бошқа масалаларни «ҳал қилиб бўлмайдиган» масалалар қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Ана шу негизда эса ҳар қандай пропагандистик уйдирмаларни ўйлаб чиқариш мумкин.

Масала «фақат» шундаки, бу уйдирмаларнинг умуман совет воқелигига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки совет давлатимиз вужудга келган дастлабки кунданоқ унинг социал-иқтисодий ва маданий тараққиёти, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг тараққиёти умуман жамият манфаатлари ва унинг ҳар бир регионал қисми манфаатларининг бирбирига узвий боғлиқлиги асосида қатъий амалга оширилмоқда. Бу—КПСС ленинча миллий сиёсатининг негизидир.

Ҳозирги Ўзбекистон — ана шу сиёсатни амалга оширишнинг натижаларидан биридир. Рус халқининг, мамлакатимиздаги барча халқларининг қардошларча ёрдами билан у қолоқ ўлкалан тариҳан қисқа муддат ичида социал, иқтисодий ва маданий тараққиётнинг чўққиларига шиддат билан чиқиб олди.

Ҳозирги Ўзбекистон — кудратли индустриал-аграр республика бўлиб, замонавий саноат ишлаб чиқаришининг юздан ортиқ тармоғи, энг янги техника ва технология билан жиҳозланган 1500 дан зиёд йирик саноат корхоналари мавжуддир. Унинг индустриал қиёфасини авиасозлик, металлургия, машинасозлик, энергетика, химия, газ, олтин қазиб чиқариш ва бошқа жуда кўп саноат тармоқлари белгилайди.

Ўзбек халқи умумиттифоқ хом ашё проблемасини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Республика пахтачиликни ривожлантириш суръатларини муттасил ошира бориб, ўзининг ватанпарварлик, интернационал бурчини шараф билан бажармоқда. Ўзбекистон умумиттифоқ миқёсида етиштириладиган «оқ олтин»нинг деярли 65 процентини бермоқда. Бу ерда ҳам биз ўтмиш билан ҳозирги давр ўртасидаги жуда катта тафовутни кўрамиз: 517 минг тонна — 1913 йилда шунча пахта териб олинган эди; 1979 йилда Ўзбекистон мамлакатга 5 миллион 760 минг тонна пахта етказиб берди. Бизда чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кўпгина бошқа тармоқлари муваффақиятли ривожланмоқда.

Илгари Ўзбекистонда битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. Фақат 1920 йил сентябрида Ленин Декрети билан Тошкентда ўрта Осиёда биринчи олий ўқув юрти — университет очилди. Эндиликда эса республикада уч университет, 41 институт ва 210 та ўрта махсус ўқув юрти мавжуд. Олий ўқув юртлари ва техникумларда 500 мингга яқин киши таълим олмоқда. Ўзбекистон Совет Шарқининг энг йирик илмий марказ бўлиб қолди. Унинг ўз Фанлар Академияси ва деярли 200 та илмий тадқиқот муассасаси бор.

Республикада матбуот, радио ва телевидение кенг ривожланди. Адабиёт ва санъат гуллаб-яшнади, янги социалистик мазмун билан бойиди. Истеъдодли ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, кино ва театр ходимлари авлоди етишиб чиқди, уларнинг ижоди халқ орасида катта эътибор қозонди ва қадрланмоқда.

Бугунги Ўзбекистон ана шундай. Шунга қарамай буржуазия пропагандистларининг гапига қулоқ соладиган бўлсангиз, бизда ҳеч қандай социал ўзгаришлар экономика, фан ва маданиятда ҳеч қандай тараққиёт йўқ ва бўлмаган эмиш!

Буларнинг ҳаммаси социализм ютуқларини йўққа чиқариш ва айниқса социал тараққиётнинг энг самарали йўлларини қидираётган халқлардан ҳақиқатни яширишга уринмоқда. Реакция идеологлари фақат социализм шароитида халқлар ўртасида тарқиб топадиган янги муносабатлар — чинакам дўстлик ва биродарлик муносабатларининг улкан аҳамиятувчилик ролини ҳар томонлама камситишга уринмоқдалар.

Етук социализм шароитида миллий муносабатларнинг янада ривожланиши ва мамлакатимиз ҳаётий фаолиятининг муҳим соҳаси — экономиканы интернационаллаштириш жараёнининг янада кучайиши билан узвий равишда боғлиқдир. Ҳозирги вақтда Советлар мамлакатининг халқ хўжалиги — барча иттифоқдош республикалар экономикасининг узвий бирлигидир. Бу, деб кўрсатган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, «Барча миллатлар ва элатлар умумий иқтисодий мақсадлари ва манфаатлари асосида аллақачонлар таркиб топган ягона хўжалик организмидир».

Ҳар бир республикада биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг юксак меҳнат самарадорлиги даражасини таъминлайдиган, энг қулай иқтисодий, табиий ва социал шароитлари бўлган тармоқлари ривожланмоқда. Шу билан бир вақтда ҳар бир республика кооперация асосида модий бойликларни планли асосда айирбошлаш йўли билан ўз эҳтиёжларининг қондирилишига эришмоқда. Мамлакатимиз халқлари меҳнатини янада тўлароқ интеграция қилишга олиб борувчи умумиттифоқ миқёсдаги ихтисослаштириш ва кооперациялаш системаси ана шундай ҳамал қилмоқда.

Буржуазия идеологлари СССР халқларининг иқтисодий ҳамкорлигини камситишга уриниб, миллий республикалар, жумладан, ўрта Осиё республикалари «эксплуатация қилинаяпти, улар гўё Совет Иттифоқига қўшилиб ютқизмоқдалар, иқтисодий бойликларни алмашув гўё уларга фақат зарар етказаяпти деган ўйдирмаларни тарқатмоқдалар. Аммо, бу ўйдирмаларни тарқатувчилар гўё ана шу зарар етказаётган алмашув республикаларимизга бутун мамлакат суръатларидан анча юқори бўлган суръатлар билан ривожланишга имкон бераётганини тўғрисида ўйламайдилар.

Мисол учун яна Ўзбекистонга мурожаат қилайлик. Унинг ҳозирги кундаги иқтисодий тараққиётини бошқа республикалар билан мустаҳкам алоқасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон ССРга мамлакатнинг ҳамма томонидан ускуналар ва станоклар, машиналар ва қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари келмоқда. Ўзбекистон қардош республикалар, мамлакатнинг областлари ва ўлкаларидан ўз халқ хўжалигини бундан буён ҳам тобора ривожлантириш учун нимаики зарар бўлса ҳаммасини олмоқда.

Мамлакатнинг барча халқлари билан ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик туфайли Ўзбекистон экономикасининг ўсиши қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади. 1971—1978 йилларда республика ялпи иқтимоий маҳсулоти умуман СССРдаги 57 процентга нисбатан 66 процент кўпайди. Шу давр ичида республикада ишлаб чиқарилган миллий даромад 61 процент ўсди, ҳолбуки, мамлакатда шу вақт ичида миллий даромад 53 процент ўсди.

Ҳар бир тонна ўзбек пахтасида Урал ва Украина металлургларининг, Москва ва Ленинград машинасозларининг меҳнати мужассамлашган. Барча республикалар билан мустаҳкам алоқа ва ҳамкорлик бўлмаса, бизда авиасозлик, электрон ва кабель саноатини, бошқа тармоқларни ривожлантиришни тасаввур қилиб бўлмас эди. Бир сўз билан айтганда, Совет Иттифоқида ўз меҳнати самараларини ўзбекистонга ҳадя этмаётган бирорта республика йўқ, худди шунингдек, мамлакатда бизнинг республикамиз маҳсулотидан фойдаланмаётган бирорта ҳам район йўқ.

Октябрь мамлакати коммунистик қурилиш йўлидан қанчалик олға борса, бу алмашув шунчалик интенсив, умуммиттифоқ халқ хўжалиги комплекси бўғинлари ўртасидаги алоқалар шунчалик мустаҳкам бўлаверади. Бу билан эса халқларнинг биргаликдаги меҳнати, уларнинг ягона иродаси, уларнинг коллектив тафаккури ижтимоий ҳаётимизнинг ҳар қандай проблемасини амалда ҳал этишга қодир эканлиги шунчалик равшан бўлиб бормоқда. Келгусида улкан тадбирларни амалга оширишда —Сибирь дарёларининг бир қисмини Орол денгизи ҳавзасига ва ўрта Осиёга оқизиш йўллари ва формаларини кенг ижодий тарзда қидиришда зўр куч билан намоён бўлмоқда. Сибирь дарёлари сувини ана шу томонга буриш ҳозир қовжираб ётган миллионлаб гектар ерларни сугориш, бутун мамлакат экономикасининг аграр секторини ривожлантиришнинг суръатларини кескин оширишга имконини беради.

III.

Социалистик миллатларнинг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам негизида гуллаб-яшнаши, бир-бирига яқинлашуви ва ўзаро бойиши, интернационал ва миллий манфаатларнинг бирлиги — фақат моддий жабҳани эмас, балки маънавий маданиятни ҳам-ўз ичига қамраб олувчи яхлит жараёндир. Миллатлар ўртасида маънавий бойликларни айирбошлаш тобора интенсивлашиб бормоқда, миллий маданиятлар тобора яқинлашиб ва бир-бирини бойитмоқда, уларнинг интернационал негизи кенгаймоқда. Маданиятларнинг яқинлашуви социалистик негизда, ҳар бир миллий маданиятда мавжуд бўлган жамики қимматли, прогрессив нарсалар тобора тўлароқ рўёбга чиқаётганлиги ва ривожланаётганлиги йўли билан юз бермоқда.

Бу ўринда ҳам антикоммунизм идеологлари гўё маънавий маданиятнинг интернационаллашиш жараёни асрий миллий бойликларни йўқотишга олиб келади деб исботлашга уринмоқдалар. Улар «руслаштириш», ўрта Осиё халқларига рус маданияти ва рус тилини «зўрлаб тиқиштириш» ҳақидаги уйдирмани зўр бериб тарқатмоқдалар. Уларнинг фикрича, гўё бу халқларнинг миллий маданияти тургунлик қолига тушиб қолган эмиш. миллий анъаналари эса «эсдан чиқариб» қўйилганмиш, гўё миллий маданият дурдоналари «социализм ва интернационализм денгизига кўмилиб кетган»миш.

Ҳаёт бу уйдирмаларни батамом рад этмоқда.

Ҳар бир социалистик миллат бошқа халқлардан ўзи учун мақбул бўлган барча яхши нарсаларни танлаб олади, уни сингдириб ўз миллий маданиятининг энг яхши таркибий қисмига айлантиради. Масалан, ўзбек миллати адабиётида роман, повесть ва очерк жанрлари худди шундай вужудга келди. Балет, опера, хор ва кўп овозли қўшиқ, симфоник музика, кинематография ҳам шу тахлитда юзага келди. Илгари булар бизда йўқ эди. Буни миллий маданиятимизни қандайдир «камситиш» деб баҳолаб бўладими? Шубҳасиз бундай баҳолаб бўлмайди. Ўзбек халқи бошқа халқлар маданиятининг формаларини ва воситаларини ижодий ўзлаштириш йўли билан ўз маданиятини янги, янада юксак погонага кўтарди.

Халқлар дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги ва-зифасида ҳар бир миллатнинг миллий хазинаси тобора ижодий бойимоқда, интернационал тус олмоқда. СССР да яшовчи халқлар ўртасидаги маданий муносабатлар ва ҳамкорлик формалари шунчаларанг бўлиб бормоқда. Республикаларда мунтазам ўтказилаётган адабиёт ва санъат декадалари ва ҳафталиклари, фестивеллар, тасвирий санъат асарлари кўргазмаларини айирбошлаш, биргаликдаги меҳнати, уларнинг ягона иродаси, уларнинг коллектив тафаккури ижтимоий ҳаётимизнинг ҳар қандай проблемасини амалда ҳал этишга қодир эканлиги шунчалик равшан бўлиб бормоқда. Келгусида улкан тадбирларни амалга оширишда —Сибирь дарёларининг бир қисмини Орол денгизи ҳавзасига ва ўрта Осиёга оқизиш йўллари ва формаларини кенг ижодий тарзда қидиришда зўр куч билан намоён бўлмоқда. Сибирь дарёлари сувини ана шу томонга буриш ҳозир қовжираб ётган миллионлаб гектар ерларни сугориш, бутун мамлакат экономикасининг аграр секторини ривожлантиришнинг суръатларини кескин оширишга имконини беради.

III.

Социалистик миллатларнинг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам негизида гуллаб-яшнаши, бир-бирига яқинлашуви ва ўзаро бойиши, интернационал ва миллий манфаатларнинг бирлиги — фақат моддий жабҳани эмас, балки маънавий маданиятни ҳам-ўз ичига қамраб олувчи яхлит жараёндир. Миллатлар ўртасида маънавий бойликларни айирбошлаш тобора интенсивлашиб борм

ОБЛАСТДА ТУРАР-ЖОЙ ВА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ XVII ЧАҚИРИҚ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ II СЕССИЯСИ ҚАРОРИ

Халқ депутатлари область Совети таъкидлайдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг кундалик ғамхўрлиги туфайли областда турар-жой ва коммунал-маиший объектлар қурилишининг кенг программаси амалга оширилмоқда, аҳолининг уй-жой шароитлари, уларга маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган даврида капитал қурилишда 1,7 миллиард сўмлик асосий фондлар фойдаланишга топширилди, 1,9 миллиард сўмликдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилди. 1264 минг квадрат метрдан зиёд турар-жой фойдаланишга топширилди. 55,0 минг ўқувчи ўринли умумий таълим мактаблари, 14930 ўринли мактабгача болалар муассасалари, 1445 койкали касалхона ва бошқа кўплаб маданий-маиший объектлар қурилди. 36 мингдан зиёд оила ўзининг турар-жой шароитларини яхшилади.

Кўпгина шаҳарлар, район марказлари, колхоз ва совхозлар посёлкаларини планлаштириш ва қуриш шаҳар қурилишининг янги талаблари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилмоқда.

Хутор системасини тугатиш ва турар-жой-қурилиш кооперативларини ривожлантириш йўлида бир мунча ишлар қилинмоқда. Сўнгги йилларда областда 225 хутор, 41,6 минг квадрат метр барак ва ертўлалардаги яшаш жойлари қисқартирилди. Ҳар йили турар-жой кооператив қурилиши ҳисобидан 20 минг квадрат метрга яқин турар-жой майдони фойдаланишга топширилаяпти.

Капитал қурилишга раҳбарлик услуб ва методларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга илғор ишлаб методларини жорий қилиш ва энг яхши коллективлар тажрибасини кенг ёйишга катта эътибор берилмоқда.

Водопровод ва канализация тармоқлари мунтазам кенгайиб, уларнинг қуввати ортмоқда. Маҳаллий Советлар балансидаги умумий турар-жой майдонларининг 85 проценти водопровод, 72 проценти иссиқ сув билан таъминланган, 100 процент, электрлаштирилган. Областнинг ҳамма шаҳарлари, район марказлари, ишчилар поселкалари ва аҳоли пунктлари тўлиқ газлаштирилган.

Область шаҳар ва районлари ўртасида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва энг яхши санитария ҳолати учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда.

Шу билан бирга халқ депутатлари область Совети таъкидлайдики, турар-жой, коммунал-маиший объектлар қурилиши масалаларида ҳали камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Аҳолини турар-жой билан таъминлаш суст бормоқда. Турар-жой, болалар ва мактабгача муассасалар қурилиши юксак талабларга жавоб бермайди.

Турар-жой ва мактабгача болалар муассасаларини ишга туширишда Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз районларида айниқса сусткашликка йўл қўйилмоқда.

«Промжилводстрой», «Ўзбекметаллургстрой», «Алмалиқсвинецстрой», 160-, 23-қурилиш-монтаж трестлари зарур чоралар кўрмадилар ва турар-жой ҳамда маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш планларини бажаришда қоқоқлиққа йўл қўйдилар.

Турар-жой граждан объектларининг асосий қисми тўртинчи кварталда фойдаланишга тақдим этиладиган ва ишга туширилган қувватларининг 50 процентини ташкил этмоқда. Бу эса айниқса йирик панелли турар-жой биноларини монтаж қилишда қурилиш-монтаж ва пардоз ишларининг сифатсиз бажарилишига сабаб бўлмоқда.

Айрим маҳаллий Советлар ижроия комитетлари инженерлик тармоқлари ва коммуникацияларини жадал қуришга етарли эътибор бермаяптилар. Сув тўсиқлари ва канализация тармоқлари, иситиш ва электр таъминоти объектларининг мавжуд қуввати турар-жой граждан объектлари қурилишининг ҳажми ва суръатига жавоб бермайди.

Баъзи халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари турар-жой граждан, қурилиш индустрияси объектлари ва ўз ишлаб чиқариш базалари қурилиши планларининг таъминламаётган қурилиш ташкилотлари ва буюртмачи ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан етарли даражада қатъийлик ва талабчанлик кўрсатмаяптилар.

Халқ депутатлари область Совети **қарор қилади:**

1. Область аҳолисини турар-жой билан таъминлаш ва коммунал маиший хизматни янада яхшилаш, мавжуд ҳамма имкониятлардан капитал қурилиш планларини муваффақиятли бажаришда фойдаланиш маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, корхона, ташкилот ва қурилишлар раҳбарларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобласинлар.

2. Область ижроия комитетининг областда турар-жой ва коммунал-маиший объектлар қурилиши суръатини тезлаштириш бўйича тадбирлари маъқулласин.

3. Халқ депутатлари область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка советлари ижроия комитетларига перспектив планида қуйидагиларни эътиборга олиш топширилсин:

— область аҳолисини шинам турар-жой билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида турар-жой ҳажмини маданий-маиший ва коммунал хизмат муассасал

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ

Тошкент-80

СЎЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ҲАМКОРЛИГИМИЗ КУЧАЯДИ

АБДУЛЛО ШОДОН,
Афғонистон Демократик Республикаси, телевидение президенти.

ТОШКЕНТДА ўз ишини бошлаган халқаро кинофестиваль бизга жуда ҳам ёқиб қолди. Анжуман арафасида бу гўзал шаҳрингиз билан яқиндан танишишга муяссар бўлаётирман. Тошкент шаҳри жуда ҳам тараққий этган шаҳарлардан бири бўлиб гавдаланди. Одамларининг саховати, ҳамма жойда кўрсатиладиган ҳурмат ва илтифот, албатта, хориждан келган кишини беҳад шод этади.

Мен телевидение вакили бўлганлигим учун ҳам ўзимизнинг ишларимиз ҳақида гапириб бериш ниятидаман. Афғонистон телевидениеси жуда ҳам ёш. У эндигина вояга етмоқда. Телевидениемизда ҳозирча картина яратилгани йўқ. Лекин унинг яқин келгуси вақт ичида ижод қилинишига ишончим комил.

1978 йилда юз берган Апрель революциясининг тарихий ғалабаларини мустаҳкамлаш борасида талай бунёдкорлик ишларини олиб бораётган Афғонистон халқи телевидение кўрсатувларини кўришга жуда ҳам ташна. Ҳозирги пайтда мамлакатда 120 минута телевизор бор. Томошабинларнинг умумий сони ярим миллион атрофида. Студия редакцияларида 500 га яқин киши ишлайди. Эшиттиришларимиз 68 километр узоқликдаги масофани қамраб олади. Чунки, менинг мамлакатим вилоятлари тоғлар орасида жойлашганлиги учун ҳам эшиттиришларни узоқ масофага узатишда табиий қийинчиликлар юз бермоқда.

Афғон томошабинлари Совет Иттифоқи ва Европадаги социалистик мамлакатларнинг киностудияларида ишланган бадиий фильмларни жуда ҳам қизиқиб кўрадилар. Мен бу ерга келаётганимда Кобул экранида Совет Иттифоқида тайёрланган «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» фильмининг дастлабки сериялари кўрсатилаётган эди. Улуғ Октябрь революциясининг шонли воқеаларини ўзида акс эттирган картиналар ҳам бизда катта қизиқиш билан кўрилган.

Ҳозирги пайтда Афғонистон телевидениесининг эшиттиришларини кўпайтириш, уларнинг узатилишини узоқ масофаларга етказиш мақсадида техникавий тадбир чоралари кўрилмоқда. Бу ишда Совет Иттифоқидан келган мутахассисларнинг яқиндан бераётган ёрдами бебаҳо бўляпти. Бундан бир ҳафта илгари тоғли районларда махсус такомиллашган узатиш воситаларини ўрнатиш бошланди. Яна икки-уч ҳафтадан кейин биз Москвадан Марказий телевидениенинг кўрсатувларини кўриш шарафига муяссар бўламиз. Бу Октябрь Ватанида шу йил ўтказиладиган халқаро Олимпиада ўйинлари олдидан кўрилаётган тайёргарлик ишларидан биридир.





Тошкент фестивали кино санъати усталарининг мазмунли учрашувига бой бўлмоқда. Суратларда: 1. Қирғиз киноактёри С. Чўқморов, Мозамбик миллий кино институтининг директори Т. Пимента ва чилилик режиссёр М. Литтйм. 2. Совет кино санъаткорлари (чапдан) Г. Яцкина, Л. Савельева, Л. Федосеева-Шукшина, таниқли ҳинд киношуноси Х. Сингх ва В. Баскаков суҳбат чоғида.
В. Молгачев ва С. Маҳкамов фотолари.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ VI ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИГА БАҒИШЛАНГАН

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

(2 бўлимда)

ПРОГРАММАДА:

«КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ»

ФАНТАСТИК-САРГУЗАШТЛИ АТТРАКЦИОНИ.

«ЖАВОҲИРЛИ ТИЛЛА ТАЁҚЧА»

халқаро мукофотнинг эгаси, халқаро сеҳргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист

ОТАР РАТИАНИ

Аджаристон АССРда хизмат кўрсатган артист Тенгиз САНХАРАДЗЕ раҳбарлигидаги акробатик ансамбль иштирокида

ҚЎТОСЛАРНИНГ ОРИГИНАЛ НОМЕРЛАРИ.

Юрий ЧОМОХИДЗЕ раҳбарлигидаги

«ГРУЗИЯ ЙИГИТЛАРИ»

Ленинград циркининг таниқли масхарабози, РСФСР халқ артисти Борис ВЯТКИН доимо манежда.

Томошалар соат 19.30 да, шанба куплари соат 13.00, 16.00 ва 19.30 да, якшанба куплари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун 44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълим давлат комитети

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли

161-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—81 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КОНФЕТЧИЛАР — 8-синфни битирганлар учун ўқиш муддати— 2 йил, 10-синфни битиргалар учун — 1 йил.

КОНДИТЕРЛАР — 8-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 2 йил; 10-синфни битирганлар учун—1 йил.

НОНБОИЛАР —8-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 2 йил. 10-синфни битирганлар учун—1 йил.

ХОЛОДИЛЬНИКЛАРНИ СОЗЛОВЧИ МЕХАНИКЛАР —8-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 2 йил, 10-синфни битирганлар учун — 1 йил.

ХАМИРТУРИШ ТАЙЁРЛОВЧИЛАР— 8—10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 1 йил.

ПИВО ПИШИРУВЧИЛАР — ўқиш муддати 1 йил, ёши 16,5 дан кам бўлмаганлар қабул қилинади.

РЕМОНТЧИ СЛЕСАРЛАР (пиво заводлари учун) — 8-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 2 йил.

МАШИНАЛАРНИ СОЗЛОВЧИЛАР (нон заводлари учун) — 8-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 2 йил.

СИГАРЕТ ВА ПАПИРОС АГРЕГАТЛАРИ УЧУН МАШИНИСТЛАР — 10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар куниги 3 марта бепул овқат, кийим-бош ва махсус иш кийимлари ҳамда шаҳардан ташқарида яшовчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Практикада ишлаган иш ҳақининг 33 процента ўқувчиларга берилади.

10-синфни битириб киранларга ойига 30 сўм стипендия берилади. Ўқув юртида кечки мактаб ташкил этилган. Билим юртини аъло ва ҳолар билан битиранларга олий ўқув юртларига кирибўқиш учун йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат, соғлиги тўғрисидаги медицина справкаси (286-форма).

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб косаллиқлари институти» 21-автобусининг «Нон заводи» бекатлари).

ЯНГИЛИКЛАР «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ЎҚИТУВЧИ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

● БЕКОБОД

КОЛХОЗ ЮБИЛЕЙИГА

Ленин номли колхоз марказида маданият саройи қад кўтарди. Унинг замонавий формадаги икки қаватли биносини халқ усталари ёғоч ва ганчга ўйиб ишланган нақшлар билан безадилар. Биринчи қаватда 500 ўринли томоша зали, кутубхона бор. Иккинчи қават эса бадиий ҳаваскорлик тўгараклари-нинг машғулотлари учун ажратилган. Деҳқонлар ўз колхозининг 50 йиллигини янги маданият саройида нишонладилар.

Бугунги кунда Тошкент областининг колхоз ва совхозларида 109 та маданият саройи ишлаб турибди.

● ОРЖОНИКИДЗЕ

КИНО ҲАФТАЛИКЛАР

Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти район Советида ёдгорликларни муҳофаза ва пропаганда қилиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Шу кунгача жамиятнинг коллектив аъзолари сони 76 тага етди.

Ёдгорликларни пропаганда қилишда район кинолаштириш бўлими билан ҳамкорликда ўтказилаётган кино ҳафталиклари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозиргача «Ленин барҳаёт», «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди» ва «Ёдгорликларни сақлаш умумхалқ иши» деган мавзуларда бир қатор фильмлар кўрсатилди. Картиналар намойиш қилинишидан олдин жамиятнинг жамоатчи лекторлари томонидан лекциялар ўтказилди.

1-, 2-ўрта мактабларда, қишлоқ клубларида ва район маданият уйида бўлиб ўтган ана шундай амалий тадбирлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Лекторлардан М. Мастонов, О. Саидаҳмедов, Ҳ. Маҳмудов ва Р. Исажоновлар бу ишларни амалга оширишда алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Йил охиригача яна тўртта кино ҳафталиги ўтказиш мўлжалланган.

● БЎСТОНЛИҚ

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

62-қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юрти коллективи халқ хўжалиги учун етук мутахассис кадрлар тайёрлаб бериш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Беш йил давомида қишлоқ хўжалиги учун 1058 механизатор, 147 пайвандчи, 184 дурадгор ва бошқа соҳа мутахассислари тайёрланди.

Районда «Қишлоқда яшайсанми, техникани эгалла» шиорига амал қилинмоқда. Хўжаликларда билим юртининг филиаллари ташкил этилган. Бу тадбир ёшлар учун жуда қўл келмоқда. Ҳозир бу даргоҳларда 180 нафар ёш таҳсил кўрмоқда. Уларнинг кўпчилиги қизлардир. Янги ўқув йилида билим юртига яна 300 ўқувчи қабул қилинади.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

«СВЕТОФОР»ГА ЯШИЛ ЙЎЛ

Чиноз районидаги 17-ўрта мактаб ўқувчиларининг қувончлари чексиз. Улар республика «Светофор» телевизион конкурсида қорақалпоғистонлик тенгдошлари билан бўлган бахсда ғолиб чиқдилар. Энди навбат мусобақанинг навбатдаги босқичига. Рақиблар аниқ. Чиноз райони ва Тошкент шаҳри командалари ўз билим, маҳорат ва кўникмаларини синаб кўришади.

Айни кунларда мактабда конкурсга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Ўқувчилар кўча ҳаракати қоидаларига оид билимларини янада бойитмоқдалар. Турли хил викториналар, топишмоқли ўйинлар, бахс ва мунозаралар уюштирилянти. Ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишда мактаб ўқитувчилари билан биргаликда область халқ маорифи бўлимининг инструктори Р. Синагатулина, давлат автоинспекцияси ходими М. Мирпўлатов, район пионерлар уйининг директори А. Орипович яқиндан ёрдам беришаётир.

Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш программада белгиланган 10 соатлик машғулот билан чекланмади. Қўшимча дарслар, суҳбатлар ўтказилди. Ёшларнинг назарий билимлари амалиёт билан боғлаб борилади. Шу мақсадда алоҳида синф хонаси ажратилган бўлиб, бу ерга кўча, транспорт ва йўл белгиларининг макетлари қўйилган. Ёш инспекторлар транспорт воситаларини йўл белгилари бўйича ҳаракатлантиришади. Дарслик ва қўлланмалардан фойдаланадилар.

Ҳар куни мактабда машғулотлар бошланишидан олдин ва дарсдан сўнг серқатнов кўчага юқори синф ўқувчиларидан иборат жамоатчи инспекторлар қўйилди. Улар болаларнинг катта йўлни кесиб ўтишдаги хавфсизлигини таъминладилар.

Албатта, бундай ибратли тадбирлар ўз самарасини бераётир. Эндиликда мактаб яқинидаги серқатнов кўчаларда транспорт ҳаракатининг хавфсизлиги таъминланди, деб айтиш мумкин.

Олмалиқ шаҳридаги ва Оққўрғон районидаги мактабларда ҳам «Светофор» ўйинлари, ўқувчилар билан кўча ҳаракати қоидаларига оид машғулотлар олиб бориш яхши йўлга қўйилган.

Афсуски, ана шундай ибратли тадбирлар областимиздаги барча район ва шаҳар мактабларида, мактабгача тарбия муассасаларида тўлиқ амалга оширилянти, деб бўлмайди. Бунинг натижасида транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар содир бўлаётир. Мана, область ички ишлар бошқармасига келаётган нохуш хабарлардан айримлари.

Чирчиқ автотранспорт корхонасининг шофери Муллабой Сойлиев 27—14 ТШП номерли автобусда Оққовоқ посёлкасидан Чирчиқ шаҳрига кетаётганда бахтсиз ҳодисанинг сабабчиси бўлди. У кўчанинг ўнг томонидан катта йўлга югуриб чиққан 7 ёшли Аброр Аҳмедовни кўрмай қолиб, уриб юборди. Натижада оғир жароҳатланган бола касалхонада жон берди.

Тошкент районида бўлиб ўтган бахтсиз ҳодиса бундан ҳам даҳшатлироқ. Киров қишлоқ Советига жойлашган 1-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулноз Амирзодаева ва унинг синфдоши, қўшни қиз — Гулноз Боймонова катта йўлнинг четидан мактабга кетишаётган эди. Баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган бу бегуноҳ қизлар ўзларини катта бахтсизлик кутаётганини қаердан билишсин?!

«Тошкент» совхозига қарашли 61—09 ТШМ номерли ГАЗ-52 автомашинасини бошқараётган Нозир Сидиқов шу куни наҳорга ичиб олиб рулга ўтирди. Ўзини шер ҳис қилиб, газни босди, тезликка зўр берди...

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕЙДИ

Врачлар ҳарқанча шошилинч чора кўришмасин қаттиқ жароҳатланган Гулноз Боймонова ва Гулчеҳра Амирзодаевалар ҳаётини сақлаб қололмадилар. Гулноз Амирзодаева эса ҳали соғайиб кетгани йўқ.

Агар машқур воқеалар ҳақида чуқурроқ мушоҳада юритадиган бўлсак, мактаб, оила ва жамоатчилик болалар билан етарлича профилактик ишларни олиб бормаётганликлари аён бўлади. Кейинги йилларда болалар билан боғлиқ транспорт ҳодисалари сонининг ортиб бораётганлигини бу ишга ҳамма ерда ҳам жиддий эътибор берилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Биз яқинда Коммунистик районидаги бир қатор мактабларда бўлдик. Ўтказилган суҳбат ва текширишлар натижасида шу нарса аён бўлдики, аксарият мактабларда йўл ҳаракати қоидаларига доир машғулотлар жуда юзаки олиб борилади. Райондаги 10-(директори М. Маҳмудов), 14-(директори Р. Аҳмедов), 26-(директори К. Илясов) мактабларнинг ўқувчилари йўл ҳаракати қоидалари бўйича етарли билимга эга эмаслар. Шу соҳани ўрганиш бўйича мажбурий программа бажарилмайди. Ўқувчиларнинг машғулот ўтказишлари учун моддий база яратилмаган. Район давлат автоинспекцияси ходимлари билан мактаблар ўртасида мустаҳкам алоқа йўқ. Суҳбатлар уюштирилмайди.

Шунинг учун ҳам районда шу йилнинг биринчи кварталидаёқ болалар билан алоқадор тўрт марта транспорт тўқнашуви бўлди. Ана шуларнинг бири бетуноқ боланинг ҳаётдан кўз юмиши билан тугади.

Район партия, совет органлари, жамоат ташкилотлари, энг аввало халқ маорифи бўлими (мудири П. Абдибоев), мактабларда «Светофор» ўйинларини жонлантиришга, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган турли тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб туришга жиддий эътибор беришлари лозим. Оржоникидзе, Калинин, ўрта Чирчиқ, Янгийўл районларида ҳам бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши керак.

Мактаб ўқувчиларининг ёзги каникуллари бошланмоқда. Ёшлар бу вақтда турли пионер лагерларида бўладилар, саёҳатлар уюштирадилар. Ана шундай сафарлар олдидан улар мактабда ҳам, ойлада ҳам яна бир карра огоҳлантирилсалар, айни муддао бўларди.

Куни кеча «Мактаб-80» деб номланган операция муваффақиятли якунланди. Бу тадбирнинг ўтказилишидан мақсад, кўча ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдан иборат эканлиги ўз-ўзидан равшан. Шундай экан кўча ҳаракатига оид бидимларни ўқувчилар онгига сингдиришни каникул кунларида ҳам изчил давом эттириш керак. Дам олиш зоналарида, пионер лагерларида «Светофор» ўйинларини ташкил қилиш, айниқса, мақсадга мувофиқдир.

Мактабларда, мактабгача болалар муассасаларида кўча ҳаракати қоидаларини ўргатишга янада жиддийрок ёндошиш керак. Бу ишдан ҳеч ким четда қолмасин. Болаларга кўча ҳаракати қоидаларини ўргатишда яхши тажриба тўпланган.

Тарбия ўчоқлари Чиноз районидаги 17-ўрта мактабнинг бу борадаги тажрибасини ўргансалар, улардан ўрнак олсалар арзийди.

Т. ТЎХТАЕВ,
область давлат автоинспекцияси бошлиғининг ўринбосари.
А. АЗИМОВ,
М. ЮСМЕТОВ,
область давлат автоинспекцияси ходимлари.
Р. ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида «Гуллар ва манзарали ўсимликлар кинг энг яхши навлари —шаҳар, қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун» деб номланган кўрик-кўргазма ташкил қилинди. Экспонатлар республикамиз гулчиларн эришаётган ютуқлар, улар яратаётган янги нав лар ҳақида ҳикоя қилади. Суратда: кўргазма залларида.

А. Палехов фотоси.

АЪЛОЧИ СТУДЕНТЛАР СЛЁТИ

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг кечки ва сиртқи бўлимларида 8,5 минг талаба билим олмоқда. Улар ўқиш билан бирга халқ хўжалигининг турли соҳаларида, маданият ўчоқларида меҳнат қилаётирлар. Студентлар орасида аъло ўқиб, жамоат ишларида актив иштирок этаётган ёшлар анчагина. Улар яқинда ўзларининг иккинчи слётларига тўпландилар.

Слётда 721 аълочи қатнашди. Бу анжуманда университет кечки ва сиртқи бўлими проректори, профессор А. Т. Азизхонов, ушбу доирлфунун собиқ талабаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори, тарих фанлари кандидати И. Ш. Шоғуломовларнинг мазмунли докладлари тингланди.

Слётда математика факультетининг 6-курс студенти Мустаев, тарих факультетининг талабалари О. Кундузов, Н. Чехова ва бошқалар ўз факультетлари, курсларида олиб борилаётган ишлар, студентларнинг ўзлаштиришлари ҳақида сўзладилар.

ТошДУ комсомол комитети секретарининг ўринбосари Р. Гареева жамоатчи-аълочи студентларга университет фахрий ёрлиқларини топширди.

Слёт ниҳоясида университет Маданият саройининг «Дилнавоз» ашула ва рақс ансамбли ҳамда «Баёт» вокаль-чолғу ансамбли иштирокида студентларга концерт кўрсатилди.

З. ТОШМУҲАМЕДОВА.

Спорт

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ҒОЛИБ

Югославия шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда жаҳон чемпиони Анатолий Карпов биринчи ўринни эгаллади. Якунловчи турда Таль-Иваков, Тимман-Горт, Кавалек-Полугаевский ўзаро дурангга рози бўлишганди. Қолган барча учрашувлар кечиктирилган эди. Карпов Глигорич билан бўлган ўйинни давом эттирганда устун эканлигини исботлади. Айни вақтда Ларсен ва Любоевич ўйини дуранг натижа билан тугади.

Шундай қилиб 8 очко тўпланган жаҳон чемпиони Анатолий Карпов турнир ғолиби бўлди. Ларсен 7,5 очко билан иккинчи ўринни олди. 6,5 очко тўпланган Тимман учинчи бўлди. Шунингдек, жаҳон чемпионига «Энг кўп галаба қозонганлиги» ҳамда «Охирги бешта турда энг яхши натижа кўрсатганлиги» учун махсус мукофотлар ҳам топширилди.

СОВЕТ ПОЙГАЧИЛАРИ БИРИНЧИ

Буюк галабанинг 35 йиллигига бағишлаб ўтказилган Тинчлик велопойгаси ниҳоясига етди. Уч мамлакат йўллари бўйлаб ўтказилган бу пойгада Совет спортчилари команда ҳисобида ҳам, шахсий ҳисобда ҳам ғолиб келишди. Пойганинг якунловчи кунида бир йўла икки босқичда мусобақалар бўлди. 8 километрга ўтказилган тоғ йўллари бўйлаб бахсда ГДР вакили Олаф Людвиг биринчи бўлди. Першибрам-Прага оралигидаги 131 километрлик якунловчи босқичда эса тошкентлик Шоҳид Загриддинов финиш чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди. У масофага 3 соат, 37 минут 44 секунд вақт сарфлади. Тошкентлик велопойгачи чемпионатда дўстлари билан муваффақиятли қатнашди. У бир неча бор босқичларда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Сўнгги кун эса биринчи бўлди.

XXXIII Тинчлик велопойгасида горькийлик Юрий Баринов шахсий ҳисобда ғолиб чиқди.

ИККИНЧИ ЛИГАДА

Футбол бўйича иккинчи лига олтинчи зонасида қатнашаётган командалар навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Тошкентнинг «Старт» командаси ўз майдонида Қаршининг «Қаршистрой» коллективини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида устун келди ва мавқеини анча яхшилаб олди. Тошкентлик футболчилар 13 ўйиндан кейин 18 очко билан жадвалнинг учинчи погонасини эгаллаб турибдилар. «Соҳибкор» футболчилари эса бу турда зона пешқадами, Самарқандниг «Динамо» коллективини қабул қилишди. Учрашув 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Пешқадамлардан яна бири Фарғонанинг «Нефтяник» командаси бу турда очко йўқотди. Сафарда Термизнинг «Автомобилист» командасига қарши ўйнаган «Нефтяник» учрашувни 2:2 ҳисобида дуранг қилди. Шу турнинг қолган ўйинлари қуйидагича тугади: «Шаҳрихончи» — «Бухоро» — 2:0, «Хўжанд» — Наримонов номли колхоз командаси — 1:2, «Пахтакор» — «Хоразм» —1:1, «Зарафшон» — «Хива — 1:1.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Фильм-концерт. 10.25 —Александр Невский. Бадиий фильм. 12.10 — Ҳужжатли фильмлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Венгрия бўйлаб. 16.00 — Уйқудаги гўзал балетига ёзилган куйдан сюита. 16.20 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 16.50 — Поэзия. 17.25 —Мунозара-клуб. 18.30 — Татаристон АССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 18.50 —фильм-концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 —РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Покровский Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романидан боблар ўқийди. 20.00 — Неждонова кўчасида. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Москва). 23.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Зенит» — «Спартак» (Москва).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — География. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Чегарачилар кунига. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Севимли журналимиз — «Пионер». 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари олдидан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Шарқ халқларининг қўшиклари. 21.30 — Время. 22.00—Гўза парваришини авж олдирайлик. 22.15 — Абу Райҳон Беруний. Бадиий фильм. 1-серия. 23.30 — Ҳужжатли фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Абитуриентлар учун. 20.55 — Физика. 21.55 — Жаиговар постда. 22.25 — Авлодлар эстафетаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/V да Кўрмайин босдим тиконни, 28/V да Ганг дарёсининг қизи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/V да Тўйдан олдин томоша.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ» фантастик саргузаштли аттракционининг гастроллари (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02021 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1613.